

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги давлат тиббиёт муассасаларида
Дезинфекция хизматлари кўрсатиш тартиби тўғрисида низомга
2-ИЛОВА

**Дезинфекция Дезинсекция Дератизация хизматлари кўрсатиш шартлари асосида хизматларни
кўрсатиш бўйича
ШАРТНОМА 12**

Қарши шаҳри

2022 йил «09» август

Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази Қашқадарё филиали номидан Низом асосида фаолият
юритувчи

(муассаса номи)

Р.П.Тўлаков

(кейинги ўринларда Буюртмачи деб аталади)

(Ф.И.Ш.)

бир томондан ва _INTER BIZNES PROFESSIONAL MCHJ ___ номидан Устав (ишончнома) асосида
(ташкилот номи)

фаолият юритувчи директор _Нуриддинов Бобир _____ (кейинги ўринларда
(Ф.И.Ш.)

Таъминотчи деб аталади), иккинчи томондан кейинчалик Томонлар деб аталади, ушбу Шартномани
қуйидагилар тўғрисида туздилар.

I. Шартнома предмети

1.1. Таъминотчи Буюртмачининг буюртмаси бўйича мазкур Шартноманинг 1.2-бандида кўрсатиб ўтилган
хизматларни кўрсатиш, Буюртмачи эса ушбу хизматлар учун пул тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Таъминотчи мазкур шартноманинг 1.3-бандида кўрсатилган муддатдан бошлаб, у тугагунига қадар хар
кунни Буюртмачини Дезинфекция, Дезинсекция, Дератизация
(Таъминотчига ўтказилган хизмат номи)

ҳамда Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари билан белгиланган санитария-гигиена
нормалари ва қоидаларига риоя этган ҳолда, Буюртмачи билан келишилган буюртмаларни бажариш жадвалига
мувофиқ таъминлаш мажбуриятини, кейинги ўринларда Хизматлар деб аталади, ўз зиммасига олади.

1.3. Хизмат кўрсатиш муддати:

20 22 __ йил « 09 __ » август дан.

20 22 __ йил «31 __» декабр гача.

1.4. Томонлар бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси ва Таъминотчи томонидан амалда кўрсатилган
Хизматлар учун белгиланган тартибда расмийлаштирилган ҳисоб-фактура имзоланиб Буюртмачи
Таъминотчининг мазкур Шартномада кўрсатилган банк ҳисоб-рақамига пул маблағлари ўтказгандан сўнг
Хизматлар кўрсатилган деб ҳисобланади.

II. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

2.1. Таъминотчи қуйидаги ҳуқуқлар ва мажбуриятга эга:

2.1.1. Таъминотчи : ахлатхона, хожатхона чердак ,падвал ҳамда барча булимлардаги бино-иншоот хоналарни
санитария-гигиена нормалари ва қоидаларига риоя этган ҳолда дезинфекция, дезинсекция, дератизация
хизматларни йил якунига қадар хар ҳафтада бир марта белгиланган график асосида , белгиланган вақтдан
кечиктирилмаган ҳолда амалга ошириш ва юқумли касалликлар таркаганда чакирилган вақтда хабар
берилгандан сунг хабар берилган кун кечикмай етиб келиб дезинфекция ишларини бажариши шарт ;

2.1.2 Таъминотчи : ахлатхона, хожатхона чердак ,падвал ҳамда барча булимлардаги бино-иншоот хоналарни
санитария-гигиена нормалари ва қоидаларига риоя этган ҳолда дезинфекция, дезинсекция, дератизация
хизматларни буюртмачи талаб қилган дез воситалар ва дезинсекцион ва дератизацион дори ва аралашмаларни
буюртмачи талаб этган дорилар билан ишлашга ўз мажбуриятига олади.

2.1.3. Кўрсатилган хизматлар учун ўз вақтида тўловлар амалга оширилишини талаб қилиш;

2.1.4. Буюртмачидан шартнома шартларининг бажарилишини талаб қилиш;

2.1.5. Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқлар.

2.2. Таъминотчи қуйидагиларга мажбур:

2.2.2. Таъминотчи хизматини кўрсатишда техника, ёнғин, меҳнат муҳофазаси ҳамда санитария қоидалари,
нормалари ва гигиена нормативларига катъий риоя этиши;

2.2.3. Товар (ишлар, хизматлар)нинг сифатли ишлаб чиқарилишини ва буюртмачига етказилишини
таъминлаши;

2.2.4. Очқиклик тартибига катъий риоя қилиши;

2.2.5. Шартномани бекор қилиш ҳақида буюртмачини 10 кун олдин ёзма равишда огоҳлантириш, ушбу муддат
тугагунига қадар эса буюртмачининг тегишли хизматларини узлуксиз ташкил этишни таъминлаши;

2.2.6. Хизматларни сифатли, мазкур Шартноманинг 1.3-бандида кўрсатилган муддатда ва тўлиқ ҳажмда

кўрсатиши;

2.2.7. Хизматлар кўрсатиш жараёнида Таъминотчи мазкур шартнома шартларига амал қилмасдан, ~~хизматлар~~ сифатининг ёмонлашувиغا олиб келган барча камчиликларни Буюртмачининг талаби бўйича бир кун давомда бепул тўғрилаши;

2.2.9. Малакали, тажрибали, қўйилган вазифани (хизматни, ишни) амалга ошириш ҳуқуқини берувчи тегишли ҳужжатлари мавжуд бўлган, шунингдек, белгиланган тартибда ва муддатда тиббий текширувдан (кўрикдан) ўтган ходимларга (талаб этилган ҳолларда) хизматларни бажариш жараёнига руҳсат этиши;

2.2.10. Ходимлар зиммасига Буюртмачининг ҳудудида одоб-ахлоқ қоидаларига, шунингдек, ички тартибга риоя қилиш мажбуриятини юклаши;

2.2.11. Хизмат кўрсатиш бўйича ишларни шахсан бажариши, мазкур Шартнома шартларини бажаришни учинчи шахсга топширмаслиги;

2.2.12. Томонлар имзолайдиган тегишли қабул қилиш-топшириш далолатномасини расмийлаштирган ҳолда, Буюртмачидан биноларни (хоналарни), ускуналарни, жиҳозларни, асбобларни, мебелларни, инвентарлар ва бошқалар моддий воситаларни қабул қилиб олиши;

2.2.14. Мазкур шартномани бекор қилиш ҳақида Буюртмачини 10 кун олдин ёзма равишда огоҳлантириши, ушбу муддат тугагунига қадар эса Буюртмачига хизматларни узлуксиз кўрсатилишини таъминлаши;

2.2.15. Мазкур шартномага асосан Хизматларни кўрсатиш ишларига жалб этилган ходимларни ўқитишни (малакасини оширишни) амалга ошириши (талаб этилган ҳолларда);

2.2.16. Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар.

2.3. Буюртмачи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

2.3.1. Товарлар (ишлар, хизматлар) сифатли ишлаб чиқарилиши (бажарилиши, кўрсатилиши)ни талаб қилиш;

2.3.2. Таъминотчининг ўрганган ҳолда, шартнома шартларининг бажарилишини назорат қилиш;

2.3.3. Шартномани бекор қилиш тўғрисида 10 кун олдин Таъминотчи ёзма равишда огоҳлантириш, бунда кўрсатилган хизматларнинг қийматини белгиланган тартибда тўлаш;

2.3.4. Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқлар.

2.4. Буюртмачи қуйидагиларга мажбур:

2.4.1. Бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси ва расмийлаштирилган ҳисоб-фактура асосида кўрсатилган хизматлар учун амалдаги нархлар бўйича бир ойда камида бир марта Хизматлар ҳақини тўлаши;

2.4.3. Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар.

III. Хизматлар нархи ва ўзаро ҳисоб-китоблар тартиби

3.1. Мазкур шартноманинг иловасига мувофиқ хизматлар нархи : 30 000 000

Уттиз миллион сўм
(сумма сон ва сўз билан)

сўмни ташкил этади.

3.2. Таъминотчи томонидан кўрсатилган хизматлар учун ўзаро ҳисоб-китоблар бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси ва расмийлаштирилган ҳисоб-фактура асосида кўрсатилган хизматларнинг амалдаги қиймати бўйича бир ойда камида бир марта амалга оширилади.

3.3. Кўрсатиладиган хизматларнинг амалдаги сони ҳақидаги маълумотлар ва хизматларнинг амалдаги нархи асосида Буюртмачи кундалик буюртмага мувофиқ Таъминотчи билан биргаликда ҳар ўн кунда, тўланиши лозим бўлган суммаси кўрсатилган, Таъминотчи ва Буюртмачи томонидан имзоланадиган бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси тузилади ва ҳисоб-фактура расмийлаштиради.

3.4. Буюртмачи томонидан амалда кўрсатилган хизматлар нархи белгиланган тартибда расмийлаштирилган бажарилган ишлар далолатномаси ва ҳисоб-фактура олинган вақтдан бошлаб, 10 банк куни давомида Шартномада белгиланган суммадан ортик бўлмаган миқдорда тўланади.

IV. Томонларнинг мажбуриятлари

4.1. Таъминотчи шартнома мажбуриятларини ўз вақтида бажармаган ҳолларда, Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмининг 20 фоиз миқдориди пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси кўрсатилмаган хизматлар ойлик нархининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

4.2. Пеня (жарима) тўлаш Томонларнинг зиммасидаги мажбуриятларини бажаришдан ёки бузилишларни бартараф қилишдан озод этмайди.

4.3. Мазкур Шартнома шартларининг бажарилмаслиги ёки тегишли даражада бажарилмаслиги учун Томонлар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси талабларида, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида назарда тутилган жавобгар бўладилар.

4.4. Томонларнинг Мазкур Шартномада назарда тутилмаган жавобгарлик чоралари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалда бўлган фуқаролик қонунчилиги нормаларига мувофиқ қўлланилади.

V. Мунозарали вазиятларни ҳал этиш тартиби

5.1. Мазкур Шартномани бажаришда юзага келиши мумкин бўлган низолар ва келишмовчиликлар имкон қадар

Томонлар ўртасида музокара ўтказиш йўли билан хал этилади.

5.2. Низолар ва келишмовчиликларни Томонлар ўртасида музокара ўтказиш йўли билан хал этиб бўлмайдиган ҳолатларда, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган келишмовчиликларни суддан олдин бартараф қилиш тартиб-таомили амалга оширилгандан сўнг улар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда судга кўриб чиқиш учун берилади.

VI. Форс-мажор ҳолатлар

6.1. Томонлар мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаганлиги учун, агар бундай ҳолатлар енгиб бўлмас куч, яъни табиий офатлар, табиий ва техноген тусдаги фавқулудда ҳолатлар ва алоҳида давр оқибати ҳисобланса ва давлатнинг тегишли органлари томонидан тасдиқланса, жавобгарликдан озод қилинади. Бунда мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати мутаносиб равишда ушбу ҳодисалар рўй берган муддатга тугатилади.

VII. Яқунловчи қоидалар

7.1. Ушбу Шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар фақат улар ёзма шаклда расмийлаштирилиб, Томонларнинг ваколатли вакиллари томонидан имзолангандан сўнг ҳақиқий ҳисобланади. Мазкур Шартноманинг барча иловалари унинг ажралмас қисмини ташкил этади.

7.2. Томонларнинг ҳеч бири мазкур Шартнома бўйича ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини бошқа Томоннинг ёзма шаклдаги розилигисиз бирор бир учинчи томонга бериб юбориши мумкин эмас.

7.3. Ушбу шартнома икки нусхада тузилган. Иккала нусха айнан бир хил бўлиб, бир хил юридик кучга эга. Томонларнинг ҳар бирида мазкур Шартноманинг бир нусхаси бўлади.

VIII. Шартноманинг амал қилиш муддати

8.1. Ушбу Шартнома имзоланган пайтдан кучга киради ва бир календарь йили давомида ёки муддатидан олдин бекор қилингунига қадар амал қилади.

IX. Томонларнинг манзили ва банк реквизитлари

«Таъминотчи»

INTER BIZNES PROFESSIONAL MCHJ

Манзил: Тошкент шаҳар Юнусобод тумани

Кадрдон МФЙ дом 17

Тел: +998987742017

Р.С:20208000605538946001

ИНН:309648658

МФО: 01082

Директор: В.И.Идилов



«Буюртмачи»

Республика шошилиш тиббий ёрдам
илмий маркази Қашқадарё филиали

Манзили: Қарши шаҳар Ҳазрати Башир
5-йи

тел: +998787710722

Шхр: 400321860104017073102054002

ИНН:202817114

Газначилик х.р :


23402000300100001010

Тошкент шаҳар Марказий банк

МФО: 00014

стир: 201122919

Директор: И.П.Тўлаков



9 август 2022 йил

Қарши шахри


МУХОКАМА БАЁНИ

Биз Республика Шошинч Тиббий Ёрдам Илмий Маркази Қашқадарё вилоят филиали шифохона худудини профилактик дезинфекция, дезинсекция, дератизация хизматларни кўрсатиш учун 2022 йил 27-июл куни ЛОТ № 22110012128822 эълон жойлаштирилди. 03.08.2022 йил эълон якунланди. Комиссия танловга қатнашган вакилларнинг таклифларни кўриб чиқиб, 2 кун давомида эътирозлар келиб тушмаганлигини инобатга олган холда “**ИНТЕР БИЗНЕС ПРОФЕССИОНАЛ**” МЧЖ билан шартнома шартларини тўлиқ бажаргани ҳамда хизматларнинг сифатлилигини, шикоятлар йўқлигини инобатга олган холда август ойида ушбу масулияти чекланган жамият билан шартнома тузишни бир овоздан маъқуллади.

КОМИССИЯ ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. “ИНТЕР БИЗНЕС ПРОФЕССИОНАЛ” МЧЖ билан 2022 йил 9 –августда шартнома тузилсин.
2. Ушбу муҳокама баёнини бажарилишини назорат қилиш бош ҳисобчи Х.Очиловга юклатилсин.

Комиссия раиси:




ИМЗО

А. Файзиёв

ф.и.ш

Комиссия аъзолари:

Бош хамшира:




ИМЗО

М.Эргашева

ИМЗО

ф.и.ш

Хисобчи:




ИМЗО

Б.Алимова

ф.и.ш

Пархез хамшира:




ИМЗО

М.Эргашева

ф.и.ш

Хисобчи:




ИМЗО

Ш.Саидова

ф.и.ш

Котиба:



ИМЗО

Х. Очилов

ф.и.ш